2015 ЙИЛ 19 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 169 (12.982)

Баҳоси эркин нархда

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 24 O'ZBEKISTON

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




## ЯГОНА ВА МУҚАДДАС ВАТАН МАДҲИ

***"Туркистон" саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг якуний босқичи ва гала-концерт бўлиб ўтди.***

"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган мазкур танловга унинг ҳудудий, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар босқичларида ғолиб бўлган ижрочилар, бадиий жамоалар таклиф этилди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев ва бошқалар Ватан, мустақиллик сингари барчамиз учун энг азиз қадриятлар миллий ўзлигимиз, ғурур-ифтихоримиз, орзу-интилишларимиз, улкан ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида юртдошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бой тарихимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатларни қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ёшларнинг жонажон Ватанимизга меҳрини ошириш, Ўзбекистонимизни улуғловчи мусиқий асарлар яратишни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу ижодий лойиҳа бастакорлар, шоирлар, хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида, Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи бадиий мукаммал қўшиқлар яратилишида, болалар, ёшлар қўшиқчилиги, мусиқа таълимининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўрик-танловнинг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимларидаги босқичлари юксак савияда ташкил этилди. Уларда қарийб 58 мингга яқин профессионал ва ҳаваскор хонанда, бадиий жамоалар, болалар ансамбллари, олий ва ўрта махсус таълим масканлари қошидаги мусиқа гуруҳлари, хор жамоалари фаол иштирок этди.

– Танловда «Мустақил Ўзбекистон» қўшиғи билан иштирок этдик, – дейди Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Содиқ Мардонқулов. – Бу каби санъат байрамлари табаррук заминимизни, тинч-осойишта ҳаётимизни, истиқлол неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, янги-янги асарлар яратишга ундайди.

Тақдим этилган қўшиқларда истиқлолимиз, Ўзбекистонимиз, бугунги тинч-осойишта, ёруғ ва саодатли кунларимиз, бахтиёр ҳаётимиз, ёш авлодга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор, нуроний кексаларимизни эъзозлашга доир ибратли ишлар тараннум этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## НАЙТХАРТ ХЁФЕР-ВИССИНГ: ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТ

***Германия Федератив Республикаси Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли шерикларидан бири. 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилгач мамлакатларимиз ўртасида олий даражада сиёсий мулоқот йўлга қўйилди, ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базаси яратилди. Барча соҳада ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.***

**Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт ХЁФЕР-ВИССИНГ** ЎзА мухбирига мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

– Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан дадил бормоқда, ўзини барқарор ва изчил ривожланиб бораётган давлат сифатида намоён этмоқда. Мамлакат иқтисодиёти равнақ топиб, аҳоли фаровонлиги юксалмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузига эга бўлди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бормоқда.

Германия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо шерикларидан биридир. Ўзаро ҳамкорликнинг иқтисодий имкониятлари катта истиқболга эга. Ўзбекистонда фаолият юритаётган Германия компаниялари ўз соҳаларида юқори самарадорликка эришмоқда. «MAN», «CLAAS», «Lemken», «Knauf» каби компаниялар фаолиятига юқори баҳо бераётгани учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовдан ғоят миннатдормиз.

Кичик ва ўрта корхоналар Германия иқтисодиёти муваффақиятининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## МАҲАЛЛАЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

***Мамлакатимизда Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳар ва туманларда байрам шодиёналари бўлиб ўтадиган жойларни безатиш, маданий дастурлар уюштириш, хавфсизликни таъминлаш чоралари амалга оширилмоқда.***

Байрамнинг тинч-осойишта, ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ўтишида маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Зеро, шодиёналарнинг ўзига хос файз-таровати ва шукуҳини ҳар бир инсоннинг қалбига етказиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолининг фаоллигини кучайтиришда маҳаллада олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Шу кунларда пойтахтимиздаги маҳаллаларда ҳам кенг қамровли тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Кўп қаватли уйлар, ҳовлилар, кўча ва хиёбонларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, теварак-атроф чиқиндилардан тозаланмоқда. Байрам ўтадиган жойларда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан қатъий назорат ўрнатилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ бу борадаги чора-тадбирлар кўлами янада кенгаяётир. Мазкур қарорда мустақиллик йилларида юртимизда эришилган ютуқларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, жумладан, ёшлар онгига чуқур сингдиришда «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатга таяниш асосий мезонлардан бири этиб белгиланган.

Бу борада амалга оширилаётган изчил ишларнинг натижалари ёшларимизнинг таълим, спорт, маънавият, маданият ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари, йигит-қизларимизнинг қалбида ўзлигига садоқат, асрий анъаналаримизга эҳтиром туйғуси юксалиб бораётгани, халқимизнинг Ватандан ифтихор ва келажакка ишонч туйғуси кучайиб бораётгани мисолида яққол намоён бўлмоқда.

Маҳаллаларда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя асосида ўтказилаётган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар бу борадаги эзгу ишларни янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

– Ўндан зиёд миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаётган маҳалламизда Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тадбирларини ўтказишда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг моҳияти ва аҳамиятини жамоатчилигимизга етказишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди Мирзо Улуғбек тумани "Лашкарбеги" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Хўжаев. – Ушбу тадбирларни ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш бўйича фаоллардан иборат махсус комиссия шакллантирилди. Улар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда ижтимоий ҳимояга йўналтирилган лойиҳалар ҳам амалга оширилаётир. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёрдамга муҳтож кексалар хонадонига бориб, уларга байрам совғалари берилаётир.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Латифгузар" маҳалласи истиқлол шодиёналари арафасида янги бинода иш бошлайдиган бўлди. Замонавий андозалар асосида барпо этилган бинода барча қулайлик муҳайё. Унинг атрофини ободонлаштириш, аҳоли учун зарур қулайликларни яратиш ишлари давом эттирилмоқда.

Юнусобод туманидаги маҳаллаларда ҳам бунёдкорлик ишлари авжида. Туманнинг "Аҳилобод", "Акбаробод", "Турккўрғон", "Бободеҳқон" маҳаллаларида қурилаётган савдо ва маиший инфратузилмаларда сўнгги пардозлаш ишлари кетаётир.

Маҳаллаларда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари билан бирга тинчлик-осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш, теварак-атрофда бўлаётган воқеаларга ҳар бир инсоннинг фаол фуқаролик муносабатини шакллантириш, огоҳлик ва ҳушёрликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. «Ўз уйингни ўзинг асра», «Огоҳлик – тинчлик, фаровонлик асоси», «Маҳалла бедарвоза эмас», «Ободлик кўнгилдан бошланади» каби мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшларни нафақат мамлакатимиз, балки дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди.

– Юртимиздаги тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидай асраш, ёшларимизни бу борада Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг муҳим давомчилари этиб тарбиялаш зиммамиздаги энг муҳим вазифадир, – дейди ЎзА мухбирига «Оқибат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидкарим Абдувалиев. – Бу жиҳатлар байрам муносабати билан ишлаб чиқилган тадбирлар режамизнинг бош мақсади этиб белгиланган. Ушбу йўналишда жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида тарғибот тадбирлари, учрашувлар, мулоқотлар ташкил этмоқдамиз. Бу ишларимизнинг натижалари халқимизнинг сиёсий онги ва дунёқараши юксалиб, ўз тақдирини юрт тақдири билан чамбарчас боғлашга интилаётгани, ёшларимизнинг ватанпарварлик туйғуси кучайиб бораётгани мисолида яққол намоён бўлаётир.

**Баҳор ХИДИРОВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Термизда мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган "Ватан тинчлиги ва равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, "Ватан келажаги сенинг қўлингда!" тарғибот лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда профессор-ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, ҳарбий хизматчилар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**● Бухоро вилоятининг Бухоро туманида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда маҳаллалар фаоллари, вилоят тарғибот гуруҳи аъзолари – олимлар, маданият ва санъат арбоблари, ёшлар қатнашди.**

**● "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида мустақиллик йилларида мамлакатимиз енгил саноатида эришилган ютуқлар таҳлил қилинди.**

**● Нукусда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**● Андижонда "Футболимиз келажаги" республика анъанавий турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мусобақанинг маҳаллалараро босқичида 2 минг 829 жамоа, туман ва шаҳар босқичларида 579 жамоа, минтақавий босқичларида эса 51 жамоа ғолиблик учун баҳс олиб борди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Япониянинг жанубий қисмидаги вулқонда лава ва кулнинг отилиши рўй берди.**

**● Машҳур МММ компаниясининг асосчиси Сергей Мавроди Жанубий Африка Республикасида навбатдаги молиявий пирамидани ташкил этишни бошлади. Унинг таъкидлашича, уюштирилаётган мазкур ижтимоий тармоқда барча иштирокчилар бир-бирларига беғараз тарзда ёрдам беришлари мумкин.**

**● Дунё тасодифларга тўла. Буюк британиялик 12 ёшли мактаб ўқувчиси Николь Барр интеллект даражасини билдирувчи IQ-тести бўйича Нобель мукофоти соҳиби Альберт Эйнштейндан ҳам ўтиб кетди. Яъни, Барр ушбу тест бўйича 162 балл тўплаб, интеллектининг коэффициенти бўйича Эйнштейнни икки пункт ортда қолдирди. Таъкидлаш жоизки, инсон даҳо деб ҳисобланиши учун ушбу тест бўйича 140 баллдан юқори натижага эришиши керак.**

**● АҚШнинг жанубий-ғарбий қисмида тиббиёт маркази ёнида олти қаватли бинонинг қурилиши чоғида 6 метр тепадан қурилиш ҳавозаларининг ерга қулаши натижасида 8 киши тан жароҳатлари олди. Уларнинг беш нафарининг аҳволи жуда оғир.**



# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

***Ўзбекистон “Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги ва “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросига бағишлаб “Инсон қадри улуғланган юрт” лойиҳаси ҳамда “Кексаларни эъзозлаш – муқаддас бурчимиз” ижтимоий акцияси амалга оширилмоқда.***

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида мустақил тараққиёт йилларида жамиятимизнинг барча жабҳаларида эришилган муҳим ютуқларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, Ватанимизнинг эртанги тараққиётини янада юксалтиришга йўналтирилган ислоҳотларда халқимизнинг фаоллигини кучайтириш билан боғлиқ кенг қамровли вазифалар белгиланган.

Айни кунда юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, Энг улуғ, энг азиз байрам – истиқлолимизнинг 24 йиллигини муносиб кутиб олишга йўналтирилган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг ижтимоий акциялари доирасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ва пенсионерлар хонадонига ташриф буюрилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинмоқда, кексаларга байрам совғалари улашилаётир. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад кексаларнинг ибратли ҳаёт йўлини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиш, навқирон авлод камолотида кексаларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан оқилона фойдаланиш, улғайиб келаётган авлоднинг жамиятимиздаги ислоҳотлар жараёнида фаоллигини кучайтиришдир.

Ўзбекистон “Нуроний” жамғармаси Чилонзор тумани бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган шундай тадбирда депутатлар, партия аъзолари, фаол ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбир доирасида тумандаги ўндан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийсининг ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари топширилди.

– Президентимиз ташаббуси билан бу йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилингани биз, нуронийларга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир муҳим кўриниши бўлди, – дейди 2-Чарх Камолон маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Заҳира ая Солиҳова. – Маҳалламиз, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фаол ёшлар кунда-кунора ҳолимиздан хабар олиб турибди. Мустақиллик байрами арафасида ташкил этилган ушбу тадбир кўнглимизни янада кўтарди. Тинчлик, хотиржамлик ҳукмрон, инсон қадри улуғланган шундай юртда яшаётганимдан бошим осмонга етди.

**(ЎзА)**

## НАЙТХАРТ ХЁФЕР-ВИССИНГ:

# ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланиш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва бошқа ҳужжатлар ушбу долзарб вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Президентининг мазкур фармонида баён этилган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатларимиз ўртасидаги савдо муносабатларини янада ривожлантириш ва Германия ишбилармон доиралари сармоялари ҳажмини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади.

Германия Ўзбекистоннинг мамлакатни янада демократлаштириш бўйича амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар бу борадаги муҳим йўналишлардан биридир. Германия Ўзбекистон билан жамиятни демократлаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш йўлидаги ислоҳотларни амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар фаолияти бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон билан Германия халқаро сиёсат, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга моликдир. Мамлакатингиз Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи бўғин сифатида халқаро муносабатларда бундан буён ҳам муҳим ўрин тутади.

Германия таълим ва маданият соҳаларида ҳам Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Илм-фан соҳасидаги яқин алоқалар ҳар икки мамлакат учун манфаатлидир.

Тошкентда фаолият юритаётган Гёте институтининг муҳим мақсадларидан бири маданият ва таълим соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда турли тадбирлар, хусусан, конференция, семинар ва концертлар ўтказилмоқда. Институт ўз фаолияти доирасида мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида немис тилини ўқитишни қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида меҳмондўст ва кўнгли очиқ халқингизга бахт-саодат, барча соҳада муваффақиятлар тилайман.

**Сардор ТОЖИЕВ**
**ёзиб олди**

# МИСР НАШРИ “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” ҲАҚИДА

***Яқинда Миср Араб Республикасида нашр қилинадиган “аль-Ақлам ва аль-Қутуб” илмий-оммабоп журналида “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалига бағишланган мақола чоп этилди.***

Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган мазкур ажойиб куй-қўшиқ байрами халқаро ҳамкорлик соҳасидаги муҳим анъанавий маданий воқеалардан бирига айланиб улгурди. “Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётган ушбу халқаро анжуман турли мамлакатлар санъат аҳли ва олимлари ўртасида ижодий алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилаётгани баробарида, турли қитъаларда мусиқа билан боғлиқ рўй бераётган жараёнларнинг интеграциялашувига ҳам имкон яратмоқда”, дея ёзилади “ал-Ақлам ва аль-Қутуб” журнали саҳифаларида.

Хусусан, мақолада жаҳон халқларининг ноёб мусиқий мероси ҳамда анъаналарини тарғиб этиб, ёш авлод қалбида санъатга, мусиқага меҳр уйғотиб келаётган мазкур фестиваль дунё халқлари ўртасида ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва маданий алоқалар доирасини кенгайтиришга ҳам хизмат қилаётгани алоҳида айтиб ўтилган. Нашрда таъкидланганидек, “Шарқ тароналари” қисқа даврда жуда ҳам оммавийлашгани ҳолда, бутун дунёдан иштирокчиларни оҳанрабодек ўзига жалб этмоқда”.

Дарҳақиқат, мазкур халқаро маданий анжуманнинг мақсади инсонларни гўзаллик, нафосат ҳамда эзгуликка даъват қилиш, жаҳон халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида янада жипслаштиришдан иборатдир.

Мақолада фестиваль қатнашчиларининг нафақат сони, балки ижодий даражаси ҳам тобора юксалаётгани хусусида атрофлича тўхталиб ўтилган. “Шарқ тароналари”да иштирок этаётган мамлакатлар жўғрофияси ҳам кенгайиб бормоқда. Агар 1997 йилда ўтказилган дастлабки фестивалда 31 мамлакат вакиллари ўз санъатларини намойиш қилган бўлса, 2013 йилда ташкиллаштирилган тўққизинчи фестивалда 53 давлатнинг мусиқа ва санъат намояндалари қатнашди”, дейилади, жумладан, унда.

Шунингдек, журналда мазкур маданий форум доирасида дунё халқларининг кўп асрлик мусиқий анъаналарини асраш ҳамда ривожлантириш муаммолари муҳокама қилинадиган халқаро илмий-назарий конференцияни ўтказиш ҳам анъана тусини олгани ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Мақола якунида эса бугунги кунларда Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари”нинг ўнинчи, яъни юбилей анжуманига пухта ҳозирлик кўрилаётгани билдирилган.

**«Жаҳон» АА**
Қоҳира

# ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ ФЕСТИВАЛЬ

***“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бу йил ўнинчи бор ўтказилади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу мусиқа анжумани санъат ва маданиятни ривожлантириш, турли миллат ва элатларни дўстлаштириш, тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Фестивалнинг маънавий руҳи ва нуфузи санъаткорларга илҳом бағишламоқда, уларнинг ижодини янада ривожлантирмоқда.***

ЎзА мухбири аввалги фестивалларда иштирок этган хорижлик санъаткорлар билан интернет орқали боғланиб, уларнинг фикрлари билан қизиқди.

**Нобутака САТО, “Чикуюша” гуруҳи ижрочиси, “Шарқ тароналари” IX Халқаро мусиқа фестивали совриндори (Япония):**

– Ўзбекистон билан Япония ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган мустаҳкам ҳамкорлик ва дўстлик ришталари қарор топган. Мамлакатларимиз бугун барча соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишларида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. “Шарқ тароналари” фестивалида япониялик санъаткорлар мунтазам иштирок этаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Халқаро фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иштирок этгани бизни ғоят тўлқинлантирган эди. Бу давлатингиз раҳбарининг санъатга, санъаткорларга эътиборидан далолатдир. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган турли маданий анжуманларда иштирок этганмиз, аммо ҳеч ерда санъаткорларга бу қадар улкан ғамхўрликни кўрмаганмиз.

Шуни алоҳида айтишни истардимки, нафис ўзбек наволарининг, юракни жунбушга келтирувчи рақсларининг жаҳон санъатида алоҳида ўрни бор. “Шарқ тароналари” ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали турли халқлар вакиллари қалбида эзгу туйғуларни уйғотмоқда.

Гуруҳимиз учинчи ўринни қўлга киритганида қалбимизда жўш урган қувонч ва катта ҳаяжонни тасвирлаб бўлмайди. Кўплаб давлат вакиллари қатнашадиган шундай нуфузли фестивалда иштирок этиш имконини берган Ўзбекистондан миннатдормиз. Бу йилги фестиваль қатнашчиларига ҳам улкан зафарлар тилаб қоламиз.

**Носир Аҳмад Хон ВАРСИ, “Warsi Brothers” гуруҳи аъзоси, “Шарқ тароналари” VIII Халқаро мусиқа фестивалининг “Ёрқин ижро” номинацияси совриндори (Ҳиндистон):**

– Санъат азал-азалдан кишиларни эзгуликка чорлаб, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаб келган. Одамлар оҳанг, мусиқа ёрдамида бир-бирларининг дил изҳорини тушунади, қалбларга йўл топади. “Шарқ тароналари” фестивали ана шу юксак инсоний фазилатларни улуғлаб, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликка даъват этиб келмоқда. У қамровининг кенглиги ва дунё мусиқа санъати ривожига қўшаётган беқиёс ҳиссаси билан жуда юқори мавқега эга. Бу нуфузли анжуман аллақачон дунё санъат аҳлининг минбарига, унда иштирок этиш санъаткорлар учун эзгу мақсадга айланган.

“Шарқ тароналари”дек ноёб ва нуфузли фестиваль совриндори бўлганимдан жуда хурсандман. Ўшанда биз ҳинд мусиқа санъатининг энг ёрқин намуналарини тақдим этгандик. Ижроларимиз кўпчиликка манзур бўлганидан ғоят қувонганмиз. Юксак савияда ташкил этилган фестиваль сабаб ўзбек халқининг бой ва бетакрор маданияти, Шарқ мумтоз мусиқаси дурдоналари билан яқиндан танишдик, кўплаб дўстлар орттирдик.

Фестиваль кунларида Самарқанднинг дунёга машҳур тарихий обидаларини, замонавий кўркам иншоотларини томоша қилиш имконига эга бўлдик. Мамлакатингизда аждодлар меросини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар бизда катта таассурот қолдирди.

Фурсатдан фойдаланиб, “Шарқ тароналари” X Халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларига юксак парвозлар тилаймиз. Ўзбекистон халқини Мустақиллик айёми билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунлар моҳиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, давлат санитария назорати хизмати, Давлат рақобат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИҲ ҳудудий бўлинмалари вакиллари иштирок этган ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З.Низамходжаевнинг ахбороти тингланди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 6-7 август кунлари бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва бошқа ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти атрофлича изоҳланди.

Йиғилиш якунида сенаторлар ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига ўзлари сайланган ҳудудлардаги корхона ва ташкилотлар, жумладан, фуқаролар йиғинлари, таълим муассасаларида ҳам қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилувчи худди шу тарздаги учрашувларни ўтказиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

## Қонун ва ижро

# МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин истиқлол йилларида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида кенг миқёсда ҳуқуқий-ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, эндиликда фуқароларимиз ҳуқуқий саводхонлиги жиҳатидан аввалги давр кишиларига нисбатан кескин фарқ қилади. Уларга Конституциямизда белгилаб қўйилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларидан, жумладан, мурожаат қилиш ҳуқуқидан ҳам эмин-эркин, тўлиқ фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган.***

Конституциямизнинг 35-моддасида “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”, деб белгилаб қўйилган.

2014 йили 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов имзолаган Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун 5 та боб ва 31 та моддадан иборат бўлиб, унда давлат органлари ва давлат муассасаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари борасидаги муносабатлар тартибга солинади.

Мазкур қонунга асосан, ҳар бир давлат органи мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳам, экологик барқарорликни таъминлашга оид амалдаги қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларга тегишли идоралар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан риоя этилиши, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат назоратини амалга оширади, айниқса инсонлар саломатлиги ва уларнинг қулай табиий шароит муҳитларида ҳаёт кечиришларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Қўмитага фуқаролар ва юридик шахслар томонидан келиб тушадиган мурожаатларининг аксариятида шаҳримизнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, канал ва ариқларнинг санитар ҳолати, сув ва сувдан фойдаланиш, чиқиндиларни нотўғри жойлаштирганлик ва ўз вақтида олиб чиқиб кетиш масалалари, табиий қуриб ўз манзарасини йўқотган ва олиб ташлаш жоиз бўлган ҳолатдаги дарахтларнинг кесилиши ҳамда қўмита фаолиятига оид бошқа бир қатор масалалар юзасидан мурожаатлар келиб тушмоқда.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли йўналишдаги корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган экологик меъёрий ҳужжатлар асосида давлат экологик экспертизаси хулосаларини бериш тўғрисидаги мурожаатлар ҳам келмоқда.

Қўмита раҳбарияти томонидан фуқароларни қабул қилиш вақти белгиланиб, мурожаат қилувчи шахслар эътиборига қўмитанинг “Ишонч телефонлари” қўмита сайти ҳамда бошқа маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали етказиб келинмоқда.

Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар қўмита девонхонасида иш юритиш йўриқномаси талаблари даражасида олиб борилади ва “Ягона ойна” тарзида қабул қилинади.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида “Ягона ойна” тамойилида жами 415 та корхона ва ташкилотлардан давлат экологик экспертизаси хулосаларини бериш, 130 та корхоналар томонидан экологик меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва келишиш ҳамда 55 та корхоналардан лаборатория фаолиятига оид хатлар келиб тушган бўлиб, мурожаат хатлар мазмунига кўра тегишли мутахассисларга юборилади ва назорат варақаси очилиб, мурожаатларнинг ўз вақтида бажарилиши доимий назоратга олинган.

Қўмитага жисмоний ва юридик шахслардан жами 130 та мурожаат хатлари келиб тушган бўлиб, шундан 30 таси жамоа шаклидаги аризалардир.

Тааллуқлигига кўра мурожаатлар қуйидагилардан иборат:

— дарахтларнинг ноқонуний кесилиши бўйича 42 та мурожаат келган бўлиб, уларнинг 27 таси бўйича амалдаги қонунчиликка асосан тегишли чоралар кўрилган ва 15 тасига тушунтириш хатлари берилган.

Худди шундай ҳолатлар — яъни атмосфера ҳавосининг бузилиши бўйича 25 та, оқава сувлар бўйича 1 та ҳамда чиқиндилар тўғрисида 11 та шикоят аризалари келиб тушган.

Мазкур шикоят аризалари эътибордан четда қолмасдан, аксинча ҳар бир ариза бўйича, қўмитанинг давлат инспекцияси ходимлари зудлик билан юз берган ҳолатлар бўйича жойларга чиқиб, ҳолатни тўлиқ ва атрофлича ўрганиб, зарур ҳолларда қонунчиликда белгиланган тартибда жарималарни қўллаб келмоқда.

Ноқонуний дарахт кесилиши ҳолатлари бўйича эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан доимий ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

Ҳозирги даврда юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари кундан кунга тараққий этаётганлиги боис, қўмитада ҳам ёзма равишда келиб тушадиган мурожаатлардан ташқари, шикоятлар қўмитанинг электрон манзилига ягона интернет портали орқали ҳам келиб тушмоқда.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига қилинаётган мурожаатлар қўмита мутахассислари томонидан қонунда белгиланган муддатларда пухта ўрганиб чиқилиб, муайян қарорлар қабул қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларимиздан келиб тушаётган мурожаатлар, уларнинг она табиатга, унинг мусаффолигини сақлашга бефарқ эмасликларини кўрсатиб, шу билан бирга қўмитанинг ҳар бир аъзоси атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича самарали ишларни йўлга қўйишларида ўзига хос омил бўлиб хизмат қилади.

Шундагина биз ўсиб келаётган ёш авлодга соф мусаффо ҳаво ва она табиатимизнинг гўзал манзараларини асл ҳолида қолдирган бўламиз.

**Шомурод МУХАМЕДЖАНОВ,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси**

# ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

***Ўзбеклар тарихан бағрикенг халқ. Шўролар даврида Ўзбекистон қатағон қурбони бўлган кўплаб халқлар вакилларига бошпана берди, энг оғир дамларда улар билан бир бурда нонини баҳам кўрди. Корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, қрим-татарлар бу ерда ўзларининг иккинчи ватанларини топдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватандир. Чунки улар шу ерда туғилдилар, ўқидилар, обрў-эътибор топдилар, ўзбек халқининг меҳр булоғидан баҳраманд бўлдилар.***

Қрим-татар халқининг атоқли фарзанди, Украина Қаҳрамони, Қрим давлат индустриал-педагогика институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Февзи Ёқубов шундай ёзади: “Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳақида гапирганда, одатда Юнонистон ва Италиянинг фанга, Англия ва Франциянинг маданиятга, Германия ва Американинг техникага, Япония ва Швециянинг технологияга қўшган ҳиссаси тилга олинади. Агар бу рўйхатни давом эттириб, эзгулик, тинчлик, яқинларга меҳр-муҳаббат туйғулари борасида гапирадиган бўлсак, албатта биринчи қаторга Ўзбекистонни ёзиш зарур. Агар бу бебаҳо инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва мамлакатларга баҳо бериладиган бўлса, шубҳасиз, энг юксак баҳога ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлар эди”.

Албатта, бу самимий дил сўзлари ҳар бир ўзбек қалбида ғурур ва ифтихор уйғотади. Айни пайтда, бу бағрикенглик маданиятини келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш иштиёқини уйғотади.

## ЎЗБЕКИСТОН – КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ ОИЛА

Бугун дунёда глобаллашув жараёнлари қизғин давом этмоқда. Ўзаро иқтисодий интеграциялашув ва аҳоли миграцияси кучайгани сари бу жараённинг ижобий ва салбий оқибатлари янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, сир эмаски, дунёда турли таҳдидларга қарши тура олиш учун бутун башариятда, алоҳида мамлакатларда ҳам тинчлик ва тараққиёт таъминланишининг устувор йўналишларидан бири бўлмиш миллатлараро муносабатларнинг барқарор тизимини яратиш масаласи ҳам долзарбдир. Бу, албатта, кўп миллатли Ўзбекистон халқига, 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган юртимизга ҳам тааллуқли масаладир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Мустақиллик йилларида республикамизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, тенгҳуқуқлилик ва ҳамжиҳатлик таъминланди. Бугунги кунда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, миллатидан қатъи назар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол қатнашаётир. Шубҳасиз, бундай имкониятлар негизида авваламбор мустаҳкам қонуний-ҳуқуқий асос ётади. Бош Қомусимизда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тенг ҳуқуқ ва эркинликка эга, миллати, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида ҳам тенгдир, дея мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, турли миллат ва элатларнинг тили, анъаналари, урф-одатлари, маданияти ҳурмат қилиниши, уларни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилиши ҳам кўзда тутилган.

Сенат аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари орасида турли миллат вакиллари бор. Маҳаллаларимиз ҳам кўп миллатли бўлиб, ўнлаб ўзини ўзи бошқариш органларига рус, татар, қирғиз, қозоқ, украин, арман, тожик ва бошқа миллатларга мансуб фуқаролар бошчилик қилиб келмоқда. Бу тўғрида Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик жамияти раиси Чжан Дэгуан “Миллатлараро тотувликнинг сақлаб қолиниши, элатлараро ва эътиқодлараро бағрикенгликнинг таъминланиши ҳам Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган муҳим ютуқларидан бири саналгани ҳолда, мамлакатнинг келгусидаги муваффақиятли тараққиётига асос сифатида хизмат қилади” дея бежиз таъкидламаган.

Бугунги кунда республикамизда 6 мингга яқин жамоат ташкилоти фаолият юритади. Улар орасида 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар, шу жумладан, жамоатчилик тузилмалари бўлган бу марказлар ўзига хос миллий маданиятни ривожлантириш баробарида, ёшларимизни барча миллат ва элатлар маданиятини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айрим миллий маданий марказлар қошида тузилган “якшанба мактаблари”да ёшлар билан бирга катта авлод вакиллари ҳам ўз урф-одатлари, маданияти, тили, тарихини ўрганмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, республикамизда таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида ҳам олиб борилади. Айрим олий ўқув юртларида эса ушбу таълим бўғини учун ўқитувчи кадрлар тайёрланади. Энг муҳими, миллий тиллардаги мактабларнинг барча дарсликлари бюджет маблағлари ҳисобига чоп этилмоқда.

Шунингдек, республикамизда газета ва журналлар турли тилларда чоп этилмоқда, махсус радио эшиттиришлар эфирга узатилмоқда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Ягона оилада” кўрсатувлари мунтазам равишда намойиш этилмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1992 йили ташкил этилган Республика Байналмилал маданият маркази (РБММ) мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, жамиятда бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. РБММ ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган барча миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирмоқда, уларга ташкилий ва методик ёрдам кўрсатмоқда. Унинг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда миллий-маданий марказларга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Республика Байналмилал маркази қошида тузилган Жамоатчилик кенгаши таркибига давлат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан, миллий-маданий марказлар раҳбарлари киритилган. Жойларда ҳам вилоят ҳокимлари ўринбосарлари бошчилигида худди шундай Мувофиқлаштирувчи Кенгашлар фаолият юритади.

Бугунги кунда Республика Байналмилал маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг учрашув жойи, ўзига хос Дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинарлар ва конференциялар ўтказиб турилади.

Ўтган йиллар мобайнида РБММ томонидан миллий-маданий марказлар учун кўплаб йўриқномалар, 20 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва бу борада истиқлол йилларидаги ютуқларимизни акс эттирувчи “Ўзбекистон – умумий уйимиз” альбом-китоби, “Ўзбекистон – бағрикенг диёр”, “Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати”, “Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи” номли мақолалар тўпламлари чоп этилди.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги ва Кексаларни эъзозлаш йилига фестиваллар, семинарлар, давра суҳбатлари, концерт ва кўргазмалар ўтказилмоқда. Деярли барча миллий-маданий марказлар вакиллари ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этаётган бу санъат байрамлари юртимиздаги миллатлараро тотувлик, бағрикенгликнинг ёрқин намойишига айланмоқда.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ,**
**Республика Байналмилал маданият маркази директори,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

# ФАОЛИЯТИ СЕРҚИРРА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

***Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби қошида туман ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Мактаб педагогик жамоаси билан бир вақтда марказ ходимлари яқинлашиб келаётган Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги ҳамда янги 2015-2016 ўқув йилига ҳар жиҳатдан тайёргарлик кўрмоқда. Бир вақтда нишонланадиган икки санага ҳозирлик жараёнида ахборот-ресурс марказининг алоҳида ўрни бор.***

Тумандаги энг катта таълим даргоҳларидан бўлгани учун ҳам ушбу мактаб қошида ташкил этилган ахборот ресурс маркази амалга ошириладиган ишлар кўп ва серқирра.

Ахборот-ресурс марказларининг мактаб қошида ташкил этилиши бежиз эмас. Чунки мактабга кўпчилик омма — педагоглар, ўқувчилар, ота-оналар, меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва бошқа соҳа мутахассислари келиши мумкин. 300-ИДУМда 3000 нафардан зиёд ўқувчига педагоглар турли умумтаълим фанларидан дарс беришади. Табиийки, ўқиш ва таълим бериш жараёнида педагоглар ҳам, ўқувчилар ҳам турли ахборот манбаларига эҳтиёж сезадилар. Ахборот-ресурс маркази ўз китобхонларининг талаб ва истакларини бажо келтиришга доимо тайёр.

2014-2015 ўқув йилида АРМ ўз фаолиятини намунали ташкил этиб, нафақат таълим даргоҳига, балки ушбу ҳудуддаги 37-оилавий поликлиника, 11-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Амир Темур номидаги, “Обод” ва “Гулистон” маҳаллалари аҳолисига ҳам ахборот-библиографик хизматни ташкил этди. АРМ ходимлари хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш орқали китобхонлар сонини кўпайтириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш бугунги куннинг энг муҳим талабига айланганини яхши биладилар. Бу ерда 5672 та китоб фонди бор. Жами электрон ресурслар базасидан 10 минг нафар абонент фойдаланиб келмоқда. Электрон дарслик ва қўлланмалар 500 та бўлиб, мавжуд босма ва электрон ахборот базасидан 6454 нафар китобхон ўз эҳтиёжларини қондирди.

— Ахборот-ресурс марказимиз ходимлари “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида нишонланадиган мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги билан бир вақтда бўлиб ўтадиган “Билимлар куни”га алоҳида ҳозирлик кўришмоқда. Ҳудудий ахборот-ресурс маркази сифатида тумандаги мавжуд 24та умумтаълим мактаби кутубхоначиларининг август кенгашлари ҳам бизда ўтказилади. Кутубхона ходимларига ҳар иккала санани муносиб нишонлаш, янги ўқув йилида белгиланадиган чора-тадбирлар, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича кўрсатма ва йўл-йўриқ берамиз.

Дарҳақиқат, шаҳримиздаги энг намунали ахборот-ресурс марказларидан бири бўлгани учун жорий йилнинг июнь ойида бу ерга республикамизнинг турли бурчакларидан соҳа мутахассисларининг йиғилиб, “Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонуни ва ахборот-ресурс марказларининг инновацион фаолиятига талаблар” мавзусида конференциянинг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ахборот-кутубхона соҳасида фаолият кўрсатаётган етакчи мутахассисларнинг илмий-назарий руҳдаги маърузалари барча кутубхона ходимларининг иш тажрибасини янгиликлар билан бойитишида қўл келади.

Сергели туман ахборот-ресурс маркази ўз фаолиятини рисоладагидек ташкил этиб, ўқув йили мобайнида муҳим ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлган 7 та тадбирни ўтказишда бошқа АРМларига ибрат бўлди. Ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида ўтказилган китобхонлар байрамига туман миқёсида жами 10 мингдан зиёд мактаб ўқувчиси қамраб олинди. Янги ўқув йилида бундай хайрли ишлар яна давом эттирилади. Кутубхона босма адабиётлар фондига 2000 дан зиёд бадиий, илмий-оммабоп китоб келтирилди. Фондни шакллантириш, фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш, маълумотнома-библиографик ишларини ташкил этиш, оммавий тадбирларни бирваракай олиб бориш марказ ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА**

***Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган ушбу кунларда шаҳримизнинг барча масканларида “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида маданий-мусиқий байрам тадбирлари, халқ сайллари бўлиб ўтмоқда.***




# ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҲАМДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

“Ўзбекистон – умумий уйимиз!” деб номланган навбатдаги байрам тадбири Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилди.

Республика Байналмилал Маданият маркази ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган байрам тадбирида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар ходимлари, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, турли миллат вакиллари ҳамда миллий маданий марказларнинг бадиий жамоалари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида Ўзбекистонда барча соҳаларни тараққий эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳамдўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, турли миллатлар ва элатлар миллий урф-одат ва аъаналарини ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришилаётгани таъкидланди.

Тадбир доирасида шаҳримизда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар ўзларининг миллий таомлари, миллий либослари, ҳунармандларнинг ижодий ишлари ва концерт дастурлари билан томошабинларга бир олам қувонч улашдилар. Айниқса Корейс миллий маданий марказининг кўргазмалари ва рақс ансамблларининг жозибали чиқишлари барча иштирокчиларга кўтаринки кайфият бахш этди. Қозоқ миллий маданий маркази қошидаги бадиий жамоалар ижросидаги куй ва қўшиқлар эса йиғилганларни шўх рақсларга чорлади.

— Мустақиллигимизнинг 24 йиллик кутлуғ санасини ҳамма бирдай қувонч ва байрамона кайфиятда кутиб олмоқда, — дейди “Агидель” фольклор ансамбли раққоси 82 ёшли Айрат Аби Зайнуддинов. – Мен ушбу байрамда ўзимнинг рақсларим билан иштирок этдим. Шундай улуғ ёшимда истиқлол байрамини рақсга тушиб кутиб олишимнинг ўзи катта бахт. Истардимки, Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон ўлкамизнинг ҳар бир куни байрам бўлсин, осмонида эса ҳамиша тинчлик кабутарлари учиб юрсин.

— Бугун барча миллий маданий марказлар жамоалари ўзларининг миллийлиги акс этган урф-одатлари, куй-қўшиқлари билан тадбирга ўзгача файз бағишламоқда, — дейди Бошқирд-татар миллий маданий маркази қошидаги “Умр Зая” ансамбли раҳбари Роза Фазулова. — Истиқлол байрами шукуҳи барчамизнинг кўнглимизга нурафшонлик бағишлади, дилларимиз завқу шавққа тўлди.

Ҳа, мустақиллик байрами ёшу кексанинг қалбига шукроналик туйғусини жо айламоқда. Зеро, истиқлол берган неъматлар халқимизга фаровонлик, тинчлик, хотиржамлик, энг бахтли ва саодатли кунларни насиб айлади. Бунинг қадрига етмоқ эса, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

# БЕТАКРОРЛИГИНГ ДУНЁГА ТАРАННУМ ЭТАМИЗ, ОНА ДИЁР!

***Ўзбекистон ҳақида сўз кетса, унга кўпроқ бағрикенг диёр, деган таъриф берилади. Чунки бу ерда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилиб келмоқда.***

Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизга хос азалий урф-одат ва анъаналар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётгани, шу заминда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари амалда таъминланаётгани натижасидир.

Зеро, Бош қомусимизнинг 18-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудида уларнинг миллий маданият марказлари фаолият кўрсатаётир. Ўтган йигирма тўрт йил ичида бу марказлар фаолияти ривожланиб, улар нафақат ҳар бир миллатнинг тилини, санъатини, маданияти асраш, балки юртимиздаги меҳр-оқибат муҳитининг янада мустаҳкамланишига, тинчлик ва барқарорликнинг бардавом бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бунинг учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит таъминлангани, фуқаролар, айниқса, турли миллатлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлаётир.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган тинчликсевар сиёсат эртанги кунимизга ишонч туйғуларини кучайтиради, – дейди Ўзбекистон корейс миллий маданият маркази раиси Виктор Пак. – Ўзбекистонимизда барча инсонлар тенг ҳуқуқлилиги амалда таъминланаётганини тинч ва фаровон ҳаётимизда кўриб турибмиз. Бу дунёга машҳур “ўзбек модели”нинг яна бир ибратли кўринишидир. Мамлакатимизда бошқа миллат вакиллари каби корейс миллатига мансуб аҳолининг билим олиши, ўз она тилини ўрганиши, урф-одат ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилган. Бундай кенг имкониятларни бизга фақат мустақил Ўзбекистон давлати берди. Истиқлолгача биз, корейслар ўз она тилимизда сўзлашиш, уни ўрганиш имкониятидан маҳрум эдик. Шу боис катта авлод вакиллари орасида ўз она тилини билмайдиганлар бор. Давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган, юксак давлат мукофотларига сазовор бўлаётганлар орасида миллатдошларимизнинг кўплиги фахримизга фахр қўшади. Бу Ўзбекистонда барча миллат вакиллари учун тенг имкониятлар яратилгани самарасидир. Шунинг учун биз Ватанимиз Ўзбекистонни жон-дилимиздан севиб ардоқлаймиз, унинг тинчлиги, тараққиётига ҳисса қўшишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз, деб биламиз.

Мамлакатимизда яшаётган рус миллатига мансуб аҳоли ҳам жамият ҳаётининг барча жабҳаларида самарали меҳнат қилаётир. Улар орасида педагог, шифокор, ишчи, мураббийдан тортиб жаҳон чемпионигача, маҳалла раисидан депутат, сенаторгача бор. Ўнлаб рус бадиий жамоалари, актёрлари, хонандаларнинг ижодини нафақат халқимиз, балки дунё билади.

– Ўзбекистон шундай жаннатмонанд, бағрикенг мамлакатки, унинг нонини, сувини тотган инсон бу ерга албатта меҳр қўяди, – дейди Ўзбекистон рус миллий маданият маркази раиси Александр Аристов. – Бу ерда истиқомат қилаётган руслар ҳақида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Энг муҳими, мамлакатимизда юксак умуминсоний қадриятлар, толерантлик мустаҳкам қарор топгани бизнинг эмин-эркин яшашимиз, эртанги кунга ишончимиз барқарорлигига замин яратган.

Мамлакатимиз Конституциясининг 4-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Бош қомусимизда кафолатланган бу тамойил туфайли юртимизда яшаётган туркман миллатига мансуб аҳоли ҳам тенглар ичра тенг бўлиб, ўз тили, миллий урф-одатларини фаол ривожлантирмоқда.

– Бир-бирига меҳр кўрсатиш, ҳолидан хабар олиш, кексаларни эъзозлашдек олижаноб фазилатлар юртимизда миллат ҳам, дин ҳам танламайди, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон туркман миллий маданият маркази раиси Ўрозмурод Қурбонов. – Бундай юксак инсоний омиллар нафақат давлатимиз сиёсатида мавжудлигидан, балки одамларнинг қон-қонига сингиб кетганидан доим фахрланаман. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг “Адолатли жамиятда яшамоқчи эканмиз, бошқа халқ вакилларининг манфаатларини ҳам ҳимоя этишимиз, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишимиз зарур. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир”, деган фикрлари барча миллат вакилларининг кўнглини тоғдай кўтаради.

Дарҳақиқат, бу фикрлар амалда ўз ифодасини топиб, турли миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқий асослар яратилди. Уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилди.

“Свитанак” беларусь миллий маданий марказининг фаолияти ҳам фикримиз далилидир.

– Марказимиз қошида ташкил этилган фольклор ансамбли ва хор жамоаси Ўзбекистонда ўтказилаётган кўплаб маданий тадбирларда фаол иштирок этиш баробарида беларусь халқининг миллий куй-қўшиқларини келгуси авлодларга безавол етказишга муносиб улуш қўшмоқда, – дейди Тошкент шаҳар “Свитанак” беларусь миллий маданий маркази раиси Лилия Белозерова. – “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир” фестивалларида совринли ўринларни қўлга киритганмиз. Бугун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, миллатидан қатъи назар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этаётир. Юрт равнақи йўлида қилаётган хизматлари давлатимиз томонидан эътиборга олиниб, доимий рағбатлантирилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги Фармонига асосан "Дўстлик" орденига сазовор бўлганман. Бундай юксак мукофот менга ва барча беларусь миллати вакилларига алоҳида ғайрат-шижоат бағишлайди, келгусида шу азиз Ватанимиз – Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва унинг тараққиётини юксалтиришга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз.

Дарҳақиқат, осойишталикда ҳалол меҳнат қилиб ризқ топиш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшаш энг катта саодатдир. Фақат шундай жойдагина хайрли ишларга йўл очилиб, буюк бунёдкорлик ишлари рўёбга чиқарилади. Жаҳон аҳли эътироф этганидек, бу борада Ўзбекистонга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги арафасида мамлакатимизда фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар, уларнинг вилоятлардаги филиалларида Энг улуғ, энг азиз байрамимизга юқори савияда тайёргарлик кўрилмоқда. “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида анъанавий ўтказиб келинаётган байрам тадбирида уларнинг барчаси ўзлари тайёрлаган дастур орқали юртимизга бўлган меҳри, садоқатини изҳор этиш, Ўзбекистоннинг бетакрорлиги, ягоналигини дунёга таранним этишни ният қилган.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**“KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ Тошкент Минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига “KASPI” МЧЖ томонидан 2015 йил 17 августдаги хатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Маткабулов ҚФЙда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 0,8467 га бўлган бино ва иншоотлар қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 350 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 21 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 17 сентябрь куни соат 16:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 21 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 2, 12, 22 октябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 2 октябрдаги савдо учун 29 сентябрь куни соат 16:00; 2015 йил 12 октябрдаги савдо учун 8 октябрь куни соат 16:00; 2015 йил 22 октябрдаги савдо учун 20 октябрь куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг “Ипак йўли банки” АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А” уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сон академик лицейи ўз буфетини ижарага бериш юзасидан

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғибўстон кўчаси, 62-уй. Тел: 253-94-45, 253-94-38.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **20 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 август** куни Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*




***Жорий йилнинг ёз фасли жуда иссиқ келди. Айни жазирама кунларда транспорт воситаларини бошқариш ҳайдовчиларга ноқулайликлар туғдириши табиий.***

**Тадбирлар**

## ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

Айниқса узоқ масофага қатнайдиган автобуслар ҳамда йўналишли таксиларда йўловчиларга самарали хизмат кўрсатиш ҳайдовчидан катта масъулият талаб қилади.

Шу боис ҳам Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари пойтахтимиздаги автошоҳ бекатларида автобус, йўналишли таксилар ҳайдовчилари ҳамда йўловчилар иштирокида давра суҳбатлари ўтказишмоқда.

Ушбу суҳбатларда транспорт воситаларининг соз ёки носозлигини аниқлаш, ҳайдовчиларнинг малакаси, иссиқ кунда транспорт воситасини бошқаришда амал қилинадиган қоидалар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Зеро, "Йўл қоидаси — умр фойдаси" деган ҳикматга амал қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Таълим**

## ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ

***2015-2016 ўқув йили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди.***

Айни кунларда шаҳримиздаги ўрта мактабларда янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, Олмазор туманидаги 11-умумтаълим мактабининг педагоглар жамоаси ҳам янги ўқув йилини кўтаринки кайфиятда кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Шу кунгача мактаб биноси жорий таъмирдан чиқарилди. Барча синфлар, лабораториялар замонавий педагогик технологиялар билан жиҳозланган. Мактаб кутубхонаси эса ўқув адабиётлари, дарсликлар ҳамда бадиий китобларга бой ҳолга келтирилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Спорт**

## ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

***Осиё футбол конфедерацияси 2015 йил август ҳолатига кўра қитъадаги мамлакатлар футбол федерациялари рейтингини маълум қилди. Мазкур рейтинг ОФК ташкилотига аъзо давлатлар клублари ҳамда терма жамоалар тўплаган баллар ҳисобига тузилган.***

Ўзбекистон футбол федерацияси жами 52,334 очко жамғариб рўйхатнинг 9-поғонасидан жой эгаллаган бўлса, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Эрон кучли учликдан ўрин олди. Япония, БАА, Австралия, Хитой, Қатар ҳамда Қувайт футбол федерациялари ҳам яхши натижа кўрсатиб, дастлабки ўнталикдаги федерациялар сафига кирди. Навбатдаги рейтингнинг 2015 йилнинг охирида эълон қилиниши белгиланган.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

**Ёшлар — келажагимиз**

## БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРГА КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ

***Сергели тумани коллежларида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тадбирлар бўлиб ўтди.***

Бундай хайрли тадбир Сергели туман саноат касб-ҳунар коллежида ҳам ўтказилди. Тадбирда туман ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйҳатдан ўтказиш инспекцияси, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, банклар вакиллари, тадбиркорлар қатнашди.

Тадбирда банклар мутахассислари битирувчилар томонидан тақдим этилган фаолиятнинг 74 хил тури бўйича бизнес лойиҳаларни кўриб чиқишди.

— Икки кун давомида битирувчиларни кредит бериш усуллари ва шартномаларни имзолаш қоидалари билан батафсил таништирдик, — дейди Халқ банкининг кредит бўлими етакчиси Жаҳонгир Тўлаев.

— Ипотека банкининг мини банк ва жамғарма кассалар бўлими бошлиғи Маҳамаджон Икромов битирувчи Улуғбек Тўраевнинг "Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш" бўйича тузган бизнес лойиҳаси билан танишиб чиқиб, ушбу лойиҳани истиқболли деб ҳисоблади. Улуғбекка кредит бериш бўйича банкимиз унинг лойиҳасини кўриб чиқиб, уни шартнома билан таништирдик. Шартнома имзолангандан кейин уч кун ичида кредит ажратилади, — дейди Ипотека банки вакили Маҳамаджон Тўраев.

Туман ҳокимлиги эса шу ернинг ўзида битирувчиларга патент беришни ташкиллаштирди. Патентга эга бўлган битирувчилар юридик шахс ҳисобланади. Коллежда берилган патент имтиёзли аҳамиятга эга. Унга эга бўлган ва иш фаолиятини бошлаган битирувчилар бир йил давомида соликдан озод қилинади.

— Бунақа патентлардан бири битирувчи Ҳакима Ҳамидуллаевага насиб этди, — дейди Сергели туман ҳокимлиги вакили Суҳроб Алибоев. — Ҳакима "Озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш" фаолияти бўйича патентга эга бўлди.

Туман бандликка кўмаклашиш маркази битирувчиларга янги иш ўринларини яратиш фаолиятини йўлга қўйиш учун йўл-йўриқлар кўрсатди.

Тадбир давомида битирувчилар иш билан таъминландилар. Кўпчилиги ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашга муваффақ бўлди. Шу ернинг ўзида керакли ҳужжатлар бўйича кўрсатмалар берилди. Пенсия ва меҳнат дафтарчалари очиш коллежнинг ўзидаёқ ҳал этилди.

**Дилрабо НАЗАРОВА**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2015 йил 15 сентябрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: I. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 24.03.2014й. кунги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 126 NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 154 NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 3. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 145 МАА бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 4. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 802 ОАА бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 5. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 010 ТАА бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 80 750 000 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 075 ZAA бўлган "Audi S5 Coupe 4.2" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 266 452 200 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 337 DAA бўлган "Lexus LS460L" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 205 200 000 сўм. 8. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 763 ТАА бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 52 250 000 сўм. 9. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 В 432 НА бўлган "Audi A8L Quatro" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 213 750 000 сўм. 10. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 N 557 JA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 42 560 000 сўм. 11. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 470 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 605 000 сўм. 12. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 438 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 799 145 сўм. 13. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 544 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 14. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 439 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 15. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 856 LAA бўлган "Hyundai H-100" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 300 000 сўм. 16. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 870 BBA бўлган "Hyundai H-1 GLS" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 906 DAA бўлган "Лада11184-114-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 18. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 905 DAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 340 000 сўм. 19. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 275 ЕАА бўлган "АГБСНГГАЗ330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 000 000 сўм. 20. 2008 йилда и/ч дав.бел. 01 920 DAA бўлган "Ваз11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 475 000 сўм. 21. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 921 DAA бўлган "Лада11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 22. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 913 DAA бўлган "Ваз21041-182-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 955 000 сўм. 23. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 922 DAA бўлган "Лада11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 525 000 сўм. 24. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 908 DAA бўлган "Лада11174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 25. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 911 DAA бўлган "Ваз21104" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 26. 1956 йилда и/ч дав. бел. 01 056 ТАА бўлган "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 084 129 сўм. 27. 1969 йилда и/ч дав. бел. 01 069 ТАА бўлган "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 016 131 сўм. 28. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 061 WBA бўлган "Isuzu NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 000 000 сўм. 29. 1941 йилда и/ч дав. бел. 01 041 МАА бўлган "Гономак" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 221 240 сўм. 30. 1943 йилда и/ч дав. бел. 01 043 МАА бўлган "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 415 274 сўм.

31. 16.10.2013й. кунги 62989/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Феруза Баракат Сервис" МЧЖда сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 О 862 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 498 072 сўм. 32. 22.08.2013й. кунги 58980/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 836 LA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 129 797 сўм. 33. 7.01.2014й. кунги 613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 А 532 GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 875 968 сўм. 34. 15.08.2011й. кунги 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19 А 351 бўлган "SK 24" ярим тиркама. Бошланғич нархи 23 040 350 сўм. II. Мирobод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. 29.11.2013й. кунги 39618/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2002 йилда и/ч дав. бел. 85 К 775 ВА бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 871 935 сўм. 2. 29.11.2013й. кунги 39616/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 079 НА бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 870 472 сўм. 3. 16.04.2012й. кунги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1990 йилда и/ч дав. бел. 10 987 FAA бўлган "Газ 53" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 453 845 сўм. 4. 16.04.2012й. кунги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 585 СА бўлган "CHANASC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 457 924 сўм. 5. 30.10.2013й. кунги 36235/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 Y 051 DA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 973 687 сўм. 6. 20.02.2014й. кунги 5668/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 426 NA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 053 248 сўм. 7. 22.01.2014й. кунги 2273/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 10 J 106 FA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 058 235 сўм. 8. 22.01.2014й. кунги 2263/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда и/ч дав. бел. 10 Н 045 НА бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 137 890 сўм. 9. 6.09.2013й. кунги 2175/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 90 W 136 СА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 10 180 736 сўм. 10. 20.10.2014й. кунги 33301/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 Т 2191 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 200 139 сўм. 11. 5.12.2014й. кунги 40355/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 10 М 404 GA бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 229 004 сўм. 12. 20.10.2014й. кунги 33305/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 70 Р 604 НА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 879 112 сўм. 13. 20.10.2014й. кунги 33299/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда и/ч дав. бел. 01 R 586 МА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 946 845 сўм. 14. 20.10.2014й. кунги 33300/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 60 Q 554 ЕА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 346 629 сўм. 15. 20.10.2014й. кунги 33296/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 В 725 ОА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 999 872 сўм. 16. 20.10.2014й. кунги 33298/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 140 КА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 530 416 сўм. 17. 5.12.2014й. кунги 40354/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 С 810 РА бўлган "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 373 157 сўм. 18. 5.12.2014й. кунги 40364/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 972 МА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 320 981 сўм. 19. 10.03.2015й. кунги 7244/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 761 ААА бўлган "Land Rover" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 171 304 000 сўм. 20. 10.03.2015й. кунги 7244/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 771 КСА бўлган "Lexus" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 197 524 000 сўм. 21. 20.10.2014й. кунги 33308/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 30 Р 7714 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 625 103 сўм. 22. 5.12.2014й. кунги 40358/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 10 L 474 НА бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 515 000 сўм. 23. 5.12.2014й. кунги 40353/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 10 Т 425 GA бўлган "ГБА СПГ Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 168 088 сўм. 24. 5.02.2015й. кунги 1902/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 892 ВА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 549 549 сўм. 25. 10.03.2015й. кунги 7245/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Z 093 JA бўлган "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 853 710 сўм. 26. 5.12.2014й. кунги 40363/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 А 029 RA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 937 990 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

*Гувоҳнома: 006388.*

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 13 август кунги 165-сонида чоп этилган хабарномадаги аукцион савдосини ўтказиш санаси "2015 йил 11 август" ўрнига "2015 йил 15 сентябрь" деб ўқилсин.

**"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖ маъмурияти.**

**Тошкент оқшоми**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6541 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5